



INVESTIGATIVE SITUATIONS AND CIRCUMSTANCES TO BE PROVEN IN THE INVESTIGATION OF CRIMES IN THE ENERGY SECTOR

Farrukh Oripov

Master's student

Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: investigative situation, circumstances to be proven, typical situation, preliminary investigation activities.

Received: 13.05.25

Accepted: 15.05.25

Published: 17.05.25

Abstract: This article examines investigative situations encountered during the investigation of crimes in the energy sector, the investigative actions that need to be carried out in these situations, and the circumstances that must be proven. It analyzes scholars' opinions and judgments, offers an author's definition of the concept of "investigative situation," and presents the author's reflections on the investigative actions to be undertaken during the process of proving.

ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА УЧРАЙДИГАН ТЕРГОВ ВАЗИЯТЛАРИ ВА ИСБОТЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР

Фаррух Орипов

магистратура тингловчиси

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Тергов вазияти, исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, типик вазият, дастлабки тергов фаолияти.

Аннотация: Ушбу мақолада энергетика соҳасидаги жиноятларни тергов қилишда учрайдиган тергов вазиятлари, ушбу вазиятлар бўйича амалга оширилиши лозим бўлган тергов ҳаракатлари, шунингдек, исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, олимларнинг фикр ва мулоҳазалари таҳлил қилиниб, муаллиф томонидан тергов вазияти тушунчасига муаллифлик тарифи ҳамда исботлаш жараёнида амалга оширилиши лозим

бўлган тергов ҳаракатлари бўйича
мулоҳазалар берилган.

СЛЕДСТВЕННЫЕ СИТУАЦИИ И ОБСТОЯТЕЛЬСТВА, ПОДЛЕЖАЩИЕ ДОКАЗЫВАНИЮ ПРИ РАССЛЕДОВАНИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ В СФЕРЕ ЭНЕРГЕТИКИ

Фаррух Орипов

студент магистратуры

Академия правоохранительных органов Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: следственная ситуация, обстоятельства, подлежащие доказыванию, типичная ситуация, деятельность предварительного расследования.

Аннотация: В данной статье рассматриваются следственные ситуации, возникающие при расследовании преступлений в сфере энергетики, следственные действия, которые необходимо осуществить в этих ситуациях, а также обстоятельства, подлежащие доказыванию. Проанализированы мнения и суждения ученых, предложено авторское определение понятия "следственная ситуация", а также представлены авторские размышления о следственных действиях, которые следует проводить в процессе доказывания.

Энергетика соҳасидаги жиноятларни тергов қилишда ҳар бир жиноят ишлари бўйича тергов вазиятлари ҳамда ушбу тергов вазиятлари бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларга алоҳида ёндашиб, мазкур тоифадаги жиноят ишларини тергов қилишда мақбул далиллар базасини яратиш, шунингдек тўпланган далилларни текшириш ва уни баҳоланиши учун муҳим аҳамият касб этади.

Дастлабки тергов фаолияти – терговчи топилган излар бўйича содир этилган жиноятни қайта тиклашдан иборат бўлган ва муайян мақсадни кўзлайдиган жараён.

Жиноятларни тергов қилишни ташкил этиш – якка тартибдаги жараёндир. Унинг мазмунига жиноий қилмишнинг хусусиятлари, жиноятнинг оқибатлари, жиноятчининг шахсий хусусиятлари, терговчининг меҳнат шароити ва бошқа шу кабилар таъсир кўрсатади.

Жиноят иши кўзгатилаганидан сўнг тергов қилишни бошланиши ва кейинги босқичлари турли хил тергов вазиятларига асосланади. Тергов вазиятларига эса, мавжуд жиноятнинг ҳақиқатда содир этилганлиги ҳақидаги далилий маълумотлар, процессуал ва нопроцессуал хабарлар таъсир кўрсатади.

Тергов вазиятлари – жиноят иши бўйича ахборот ресурслар жамланмаси сифатида, терговчининг жиноят тусмолларини илгари суриш, тергов ҳаракатларини ва тезкор

тадбирларини ўтказишнинг умумий ва “тусмонларга хос” дастурини тузиш, бир сўз билан айтганда дастлабки терговни илмий ташкил қилишда намоён бўладиган ташкилий-раҳбарий фаолиятига асос бўлиб хизмат қилади.

Тергов қилишнинг муайян шароити ўзига хос ҳоллар билан белгиланиб, криминалистикада **тергов вазияти** деб ҳам аталади.

Тергов қилиш жараёни шароитлари хилма-хил омиллар таъсирига дуч келиб объектив (тергов қилиш жойи ва вақти, исботловчи ахборотнинг вужудга келиш сабаблари) ва субъектив (терговчининг мутахассислик даражаси ривожланиши, терговга алоқадор шахсларнинг юриш-туришлари ва ҳоказо) таърифларга эга бўлади.

Тергов вазияти – бу жиноят иши бўйича ишлаш вақтида юзага келадиган, терговчи учун муҳим бўлган, шу вақтнинг криминалистик хусусиятини тавсифлайдиган ҳолат. Тергов вазияти жиноятни тергов қилишнинг ушбу вақтдаги реал шароитлари, яъни иш бўйича ҳақиқатни аниқлашни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар йиғиндиси ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, тергов вазияти бу қўзғатилган жиноят иши бўйича терговчи томонидан амалга оширилиши лозим бўлган хатти-ҳаракатларни тавсифловчи маълумотлар жамланмасидир.

Тергов вазияти қуйидаги таркибий элементлардан иборат:

- жиноят содир этиш шароитлари;
- тергов ҳаракатлари олиб бориш учун ташкилий масалаларнинг ҳал этилиши;
- ҳодиса содир бўлган жойда тўпланган ахборот ва далиллар миқдори;
- жиноят иши юзасидан ҳақиқатни аниқлаш учун зарур имкониятларнинг мавжуд эмаслиги;
- ахборот ва маълумот олиш манбалари ва турлари;
- тергов-тезкор гуруҳининг ўз вазифаларини етарлича бажара олишлари, уларнинг касбий тайёргарлиги;
- тергов ҳаракатларини амалга ошириш учун зарур техник-криминалистик воситалар;
- тергов ҳаракатларини олиб бориш учун объектив ва субъектив омилларнинг таъсири ва бошқалар.

Тергов вазиятини тўғри ташкил этиш учун терговга таъсир этиши мумкин бўлган барча омилларни ҳисобга олиниши лозим. Боиси, бу омиллар тергов вазиятини вужудга келтирган бўлади ва биринчи галда вазиятнинг йўналиш бўйича ривожланишини ҳамда келгуси фаолиятнинг мазмунини аниқлаб олишга хизмат қилади. Масалан, электр энергия ёки табиий газ талон-торожи бўйича жиноятлар юзасидан терговчига гумон қилинувчи ёки

айбланувчининг жамиятдаги мавқеидан келиб чиқиб, унинг жиноят изларини йўқ қилишини олдини олиши ҳамда жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашни чораларини кўриши лозим. Шу мақсадда терговчи кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларидан бири бўлган тинтув тергов ҳаракати ўтказиб, гумонланувчининг яшаш уйи ва ёрдамчи хўжалик биноларини кўздан кечириб, у ердаги ишга алоқадор далилларни процессуал тартибда расмийлаштириб олиши лозим.

Сабаби амалиётда аксарият ҳолатларда гумонланувчи томонидан ишга алоқадор далилларни йўқ қилиш ҳолатлари юз бермоқда. Бу эса жиноят иши терговини қийинлаштириб, исботлаш жараёнида айбдор шахсларнинг айбини исботлашни мураккаблаштирамоқда.

Мазкур ҳолатларни бартараф этиш ва жиноят иши терговини тўла, ҳар томонлама ва сифатли ўтказилишини таъминлаш мақсадида, мазкур турдаги жиноятлар бўйича кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларидан бири бўлган **тинтув** тергов ҳаракатини зудлик билан ўтказиш масадга мувофиқ.

Бундан ташқари, жиноят оқибатида етказилган зарарни қопланишини таъминлаш мақсадида, гумон қилинувчининг номида бўлган мол-мулкларни аниқлаши ва ушбу мол-мулкларни бегоналаштирилишини олдини олиш мақсадида, ушбу мулкларни хатлаш чораларини кўриши лозим ва терговчи ўзида мавжуд маълумотларга асосланиб, тергов ҳаракатларини қай йўсинда олиб боришни белгилаб олади, қандай кучларни жалб этиш ҳамда қандай кетма-кетлик асосида ишни ташкил этиш ва жиноят изларини “иссиқ изида” қош этиш чораларини кўриши лозим.

Энергетика соҳасидаги жиноятлар, хусусан умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига тижорат ёки нотижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр энергиясини, табиий газни, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш жиноятини тергов қилишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар ушбу турдаги жиноят ишини тергов қилишда далиллар базасининг хусусиятларини мустаҳкамлаш учун катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишнинг дастлабки босқичида юзага келиши мумкин бўлган типик вазиятлар:

Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ҳолати аниқланган;

Бунда текширилиши лозим бўлган тусмоллар:

- умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига

Ўзбошимчалик билан уланиш ҳолати қаерда содир этилгани, яъни кўча, яшаш уйи, корхона муассаса ёки ташкилот ёхуд бошқа жойда содир этилгани;

- умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ҳолати содир этилган жой кимга тегишли эканлигига аниқлик киритиш;

ушбу типик вазиятдаги асосий вазифалар:

- ҳодиса содир бўлган жой ёки объект кимга тегишли эканлигига аниқлик кириш мақсадида мазкур ҳудуддаги давлат кадастрлар палатаси ходимини текшириш ҳаракатларига жалб қилиб, улардан ушбу жой кимга тегишли эканлиги ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилган ёки йўқлиги, агар давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса, меъёрий ҳужжатлари бор ёки йўқлигини текшириб, ушбу ҳужжатларни процессуал тартибда олиб қўйиш лозим;

- ҳодиса содир бўлган жой ёки объект қайси маҳалла ҳудудига тегишли бўлса, ушбу маҳалла раиси ва профилактика инспекторини ҳам текшириш ҳаракатларига жалб қилиб, улардан ҳолат юзасидан батафсил тушунтириш хати олиб, мазкур объект кимга тегишли эканлиги, ушбу объектда қандай фаолият тури амалга оширилиши, агар яшаш хонадони бўлса, унда кимлар рўйхатда туриши ва истиқомад қилиши, хонадонда истиқомад қилувчи шахслар қандай фаолият тури билан шуғулланиши ёки қаерда ишлаши, мазкур хонадонда муқаддам ҳам энергия тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ҳолати қайд этилган ёки йўқлигига ойдинлик киритишимиз лозим;

- воқеа содир бўлган объект жойлашган ҳудудга бириктирилган энергетика соҳасида давлат назоратини амалга оширувчи орган мансабдор шахси (ҳудудга бириктирилган назоратчи инспектор, энергия сотиш бўйича бошлиқ ўринбосари ёки бошқа ходим)ни ҳам текшириш ҳаракатларига жалб қилиб, мазкур объект кимга тегишли эканлиги, электр таъминоти корхонаси билан мазкур объект ўртасида энергия етказиб бериш бўйича шартнома тузилган ёки йўқлиги, агар тузилган бўлса, қанча муддатга тузилганлиги, мазкур объектда охириги мониторинг текшируви (обход) қачон амалга оширилгани, ҳозирги вақтда электр таъминоти корхонасидан қарздорлиги бор ёки йўқлиги ва шу каби бошқа ҳолатларга ойдинлик киритиш лозим.

Электр энергиясини, табиий газни, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш;

Бунда текширилиши лозим бўлган тусмоллар:

- электр энергиясини, табиий газни, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ҳолати мавжудми;

- электр энергиясини, табиий газни, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш ҳолати мавжудми;

- мазкур турдаги жиноятни содир этилиши ҳолати бўйича энергетика соҳасида давлат назоратини амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг алоқаси бор ёки йўқлигини текшириш.

ушбу типик вазиятдаги асосий вазифалар:

- электр энергиясини, табиий газни, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ҳамда кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш ҳолати бор ёки йўқлигини текшириш мақсадида

суд-трассологик экспертизаси тайинланиб, ҳолатга ойдинлик киритилиши лозим;

- мазкур турдаги жиноятни содир этилиши ҳолати бўйича энергетика соҳасида давлат назоратини амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг алоқаси бор ёки йўқлигини текшириш мақсадида хизмат текшируви тайинлаб, уларнинг ҳаракатларига баҳо бериш лозим.

Гумон қилинувчининг шахси аниқланган, у кўрсатув беришдан бош тортган ёки гувоҳларнинг кўрсатувларига зид кўрсатувлар берган ҳамда бошқа далиллар билан тасдиқланган;

Бунда текширилиши лозим бўлган тусмоллар:

- гумон қилинувчи нима сабабдан кўрсатувлар бермаслик сабабларини аниқлаш;
- кўрсатувлардаги зиддиятларни таҳлил қилиш, ҳақиқатни яшириш мақсадларини ўрганиш;

- гумон қилинувчи билан алоқада бўлган шахсларни аниқлаш.

ушбу типик вазиятдаги асосий вазифалар:

- ҳодиса содир бўлган жойдан олинган видеоёзвларни олиш ва таҳлил қилиш;
- ҳолат юзасидан тайинланган экспертиза қарори ва хулосасини гумон қилинувчига таништириш, экспертиза хулосаси юзасидан эътирозлари бор ёки йўқлигини текшириб, экспертиза хулосаси бўйича билдирилган ҳар бир эътирозларни процессуал тартибда текшириб, ҳолат юзасидан ҳақиқий зарар миқдорига аниқлик киритиш лозим;

- гумон қилинувчини Ўзбекистон Республикаси ЖПКдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб, уни ЖПК талаблари асосида сўроқ қилиш, сўроқ жараёнида унга қарши барча далилларни келтирган ҳолда ундан изоҳ сўраган ҳолда уни батафсил сўроқ қилиш;

- гувоҳ ва гумон қилинувчи ўртасида юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш, (юзлаштиришда ҳақиқатни аниқлашда самара берадиган кўрсатувларни мустаҳкамлашдан

бошлаш лозим).

Хулоса қилиб айтганда, энергетика соҳасидаги жиноятларни тергов қилишда тергов вазиятлари муҳим аҳамият касб этиб, мазкур босқичда ўтказиладиган ҳар бир тергов ҳаракатларининг амалдаги процессуал қонунчилик талаблари асосида ўтказилиши иш бўйича ҳақиқатни юзага чиқариш ва ҳақиқий айбдорлар доирасини аниқлашда муҳим аҳамият касб этиб, тергов ҳаракатларини сифатли ўтказилишини таъминлиди.

Жиноятларни тергов қилишда **исботланиши лозим бўлган** ҳолатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 82-84-моддаларида умумий талаблар белгиланган.

Жиноят-процессуал кодексининг 82-моддасига мувофиқ, “иш бўйича айблов ҳукми чиқариш учун жиноят объекти, жиноят содир этилган вақт, жой ва усул, жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги, жиноят тўғри қасд ёки эгри қасд билан ёхуд эҳтиётсизлик орқасида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаб ва мақсадлари, айбланувчи ёки судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар исботланиши керак”.

Энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ ҳолатлар учун белгиланиши керак бўлган жиноятлар доираси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларида ўз аксини топган.

Бизга маълумки ҳар қандай ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб топишимиз учун унинг 4 та таркибий элементи: жиноятнинг объекти, объекти томони, субъекти ҳамда субъектив томони бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддасига кўра, жиноят объекти бу жиноят кодекси қўриқланадиган ижтимоий муносабатлардир.

Профессор М.Х.Рустамбоевнинг қайд қилишича, “ўғирлик жиноятининг объекти ўзгаларнинг мол-мулкни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлардир”. Яъни ўғирлик содир этилиши натижасида, ўзга шахснинг мулкӣ ҳуқуқлари бузилади, мулкка нисбатан бўлган эгалик қилиш, тасарруф этиш, бошқариш каби ҳуқуқлардан маҳрум этилади. Манбаларда “ўғирлик – ўзганинг қонуний эгалиги (тасарруфи)да бўлган мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини қонунга хилоф ва яширин равишда, яъни мулкдорга ёки мулкнинг бошқа эгасига аён бўлмаган ёхуд атрофдаги шахслар жиноят содир этилаётганини англамаётган ҳолатда, ўзининг ёки учинчи шахс фойдасига талон-торож қилишдир” деб таърифланган.

А.В.Хабаров мавжуд қонунчиликда электр энергияси бошқа мол-мулкка тааллуқлилиги белгилангани сабабли, бу турдаги қилмишларни мулкка қарши, хусусан талон-торож қилиш жиноятлари сифатида баҳолаш мумкинлиги, бошқа бир олимлар эса, фуқаролик ҳуқуқида буюмлар тушунчаси моддий дунё предметлари ҳисобланиши, улар

каттиқ, суюқ, газ ёки бошқа физик кўринишда бўлишини таъкидлашиб, электр энергиясини ҳам мулк сифатида баҳолашган.

Мазкур муаммо бўйича А.В.Ковальчук электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш талон-торож сифатида эмас, балки талон-торож қилиш аломатлари бўлмаганда мулккий зиён етказиш каби баҳоланиши мақсадга мувофиқ. “Ўғирлаш” атамасини электр энергиясига нисбатан қўллаш нотўғри бўлиб, сабаби буюм, жисм сифатида электр энергиясини ажратиш, кўчириш, ташиш ва ўғирлашнинг имкони йўқ деб қайд қилади. Бу фикрга қарама-қарши фикр билдирган В.А.Шестак эса, “электр-энергиясини талон-торож қилиш жиноятлари предметиға киритиш лозимлиги, шунда электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш мулкни талон-торож қилишнинг умумий нормалари асосида вужудга келади” деб қайд қилади.

Юқоридаги олимларни фикрларини таҳлил қилиб, шуни айтишимиз мумкинки, электр энергиясини ўғирлаш орқали шахс муайян бир моддий манфаат кўришини инобатга оладиган бўлсак, ушбу жиноятни талон-қилиш қилиш жинояти объектиға киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар бўйича тергов органлари томонидан исботланиши лозим бўлган асосий ҳолатлардан бири, энергия ресурсларига ўзбошимчалик билан тижорат ёки нотижорат мақсадларида уланиш ҳолатининг мавжудлиги ёки йўқлиги, шунингдек, электр энергиясини, табиий газни, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш ҳолатининг мавжудлиги, жиноят натижасида етказилган зарар миқдори, мазкур жиноятни содир этилиши ҳолатида энергетика соҳасида давлат назоратини амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг иштироки бор ёки йўқлигини аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, энергетика соҳасидаги жиноятларнинг объектини исботлашда тергов органлари қуйидаги ҳолатларга, яъни:

- энергия ресурсларига ўзбошимчалик билан тижорат ёки нотижорат мақсадларида уланиш ҳолатининг мавжудлиги ёки йўқлигига;

- электр энергиясини, табиий газни, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш ҳолатининг мавжудлигига;

- жиноят натижасида етказилган зарар миқдори ҳамда мазкур жиноятни содир этилиши ҳолатида энергетика соҳасида давлат назоратини амалга оширувчи орган

мансабдор шахсининг иштироки бор ёки йўқлигини аниқ мезонлар орқали исботланишига алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Мазкур мезонлар жиноятнинг хусусияти ва унинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини аниқлашга хизмат қилади.

Жиноятнинг содир этилган вақти, жойи, усули, шунингдек жиноят кодексида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлари; қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш.

Бу борада бир қанча олимлар фикр юритиб, хусусан А.Н.Васильев “...вақт ва жой тўғрисидаги маълумотлар жиноятнинг бошқа элементлари билан боғлиқликни ўрнатишга ёрдам беради, бу эса жиноят механизмини тўлиқ тушунишга имкон яратади” деган бўлса, И.Ф.Герасимов “...жиноят содир этиш вақти ва жойи тўғрисидаги маълумотлар профилактика чораларини ишлаб чиқишда асосий манба ҳисобланади” деган фикрларни илгари сурган.

Фикримизча, олимлар томонидан билдирилган барча фикрлар жиноятнинг объектив томонини аниқлашга қаратилган фикрлар бўлиб, биз бу фикрларни қўллаб-қўвватлаган ҳолда энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш давомида жиноятнинг содир этилган вақтини, яъни жиноий ҳаракатлар қачон бошланганлиги, қанча муддат давом этганлиги ва қачон тугаганлигини, жиноятнинг содир этилган жойи (кўча, яшаш хонадони, корхона, муассаса ёки ташкилот)ни, жиноят содир этиш усули (ўзбошимчалиқ билан уланиш, пломбаларга шикаст етказиш ёки кўрсатгичларга ташқи таъсир ўтказиш мақсадида ташқаридан аралашуш)ни тўлиқ аниқлаш шунингдек қилмиш ва рўй берган оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш жиноят иши юзасидан қонуний қарор қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, бу турдаги жиноятларни тергов қилишда жиноятни тўғри малакалаш учун ва жиноят содир этган шахснинг ҳаракатларига тўғри ҳуқуқий баҳо берилишини таъминлаш учун бошқа ҳолатларни аниқлашда фақат жиноятнинг объектив томонига тааллуқли жиҳатларни, яъни жиноят содир этиш қуроллари, воситалари каби ҳолатларни аниқлаш, жиноятнинг объектив томоннинг барча элементларини тўлиқ очиб бериш, уларни процессуал ҳужжатларда аниқ акс эттириш ва ҳар бир ҳолатни далиллар билан мустаҳкамлаш зарур.

Жиноятни содир этган шахс. Энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ жиноятни содир этган шахсни аниқлаш, бу турдаги жиноятларни тергов қилишда исботланиши лозим бўлган ўта муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Сабаби, амалиётда кузатишимиз мумкинки, мазкур турдаги жиноят ишларининг кўпчилиги мазкур соҳада давлат назоратини амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг бевосита хабардорлиги ва кўмаги асосида амалга оширилмоқда.

Амалиётда энергетика соҳасидаги жиноятлар ишлари юзасидан тергов ҳаракатлари давомида жиноят содир этган шахслар томонидан уларга жиноятни содир этишлари учун кўмаклашган шахсларга нисбатан кўрсатма бермасликлари ҳамда кўмак эвазига уларга моддий қийматликлар берилганини тасдиқловчи аудио ёки видеоёзувлар ёки бошқа далилларни тергов органига тақдим этмасликлари, бу турдаги жиноят ишлари бўйича ҳақиқий айбдорлар доирасини жавобгарликка тортиш учун тўсиқ бўлмоқда. Шу сабабли, бу турдаги жиноятни тергоа қилишда жиноят содир этган шахслар доирасини аниқлаш муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Мазкур турдаги жиноят ишлари бўйича жиноят субъекти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси учун жавобгарликка тортиш ёши 14 ёш бўлса, ЖКнинг 185²-моддаси учун 16 ёш ҳисобланади. Бундан ташқари жиноятни субъекти ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади.

Жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари.

Энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар бўйича исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар ичида субъектив томонни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу турдаги жиноятларни тергов қилишда айбнинг шакли қасддан ёки эҳтиёсизлик орқасида содир этилганлиги, қасднинг тури (тўғри ёки эгри) ҳамда жиноят содир этилишининг сабаб ва мақсадларини аниқлаш муҳим ўрин тутди. Субъектив томонни тўғри аниқлаш нафақат жиноят таркибини тўғри квалификация қилиш учун, балки жиноят содир этган шахсга нисбатан адолатли жазо тайинлаш учун ҳам муҳимдир.

Амалиётда кузатишимиз мумкинки, бу турдаги жиноятлар қасддан содир этилиб, содир этиш мақсади ягона, яъни фойдаланилган энергия ресурслари учун тўланиши лозим бўлган маблағларни тўламаслик орқали юқори даромадга эришишни мақсад қилади.

Мисол учун, фуқаро Х. “XXXXXX” фермер хўжалиги раҳбари лавозимда ишлаб келиб, Бекобод тумани “XXXXXXXXX” МФЙда жойлашган “XXXXXX” фермер хўжалигига қарашли ер майдонига ўрнатилган томчилаб суғориш иншоатини тижорат мақсадини кўзлаб, электр тармоғига ўзбошимчалик билан улаб, фойдаланиб келгани оқибатида жамият ва давлат манфаатларига 176 млн сўм моддий зарар етказган. Мазкур ҳолат юзасидан унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “в” банди билан жиноят иши қўзғатилиб ва шу модда билан айб эълон қилиниб, жиноят иши мазмунан кўриб чиқишлик учун судга юборилган. Суднинг ҳукмига асосан “XXXXXX” фермер хўжалиги раҳбари Х. ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “в” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, унга нисбатан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси

тайинланган. Ушбу суд ҳукмида кўришимиз мумкинки фуқаро Х. ўзи томонидан фойдаланилган ва унга даромад келтираётган энергия ресурслари учун тўланиши лозим бўлган маблағларни тўламаслик учун ушбу жиноятни қасдан содир этган.

Айбланувчининг, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар.

Энергетика соҳасидаги жиноятларни тергов қилишда исботланиши лозим бўлган бошқа ҳолатлар каби айбланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатларни ўрганиш масаласи ҳам алоҳида муҳим аҳамиятга эга.

Бу турдаги жиноятларни тергов қилишда тергов органлари томонидан айбланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатларни исботлашда қуйидагиларга, яъни:

-ҳукуқий мақоми (илгари судланганлик ҳолати, маъмурий жавобгарликка тортилганлиги, яшаш хонадонида даромад олиш учун муайян фаолият билан шуғулланаётганлиги ёки йўқлиги);

-жиноий ҳулқ-атвор мотивлари (жиноят содир этишга ундовчи сабаблар, моддий манфаатдорлик даражаси, шахсий эҳтиёжлар ва истаклар);

-жавобгарликка муносабати (айбини тан олиш даражаси, қилмишига муносабати, тергов органлари билан ҳамкорлик қилиш истаги);

-жиноятга алоқадор ҳолатлари (жиноят содир этиш усули ва воситалари, жиноий фаолият билан шуғулланиш сабаблари).

Юқоридагидан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, энергетика соҳасидаги жиноятлар бўйича тергов вазиятлари ва исботланиши лозим бўлган ҳолатларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда тергов ҳаракатларини олиб борилиши, бу турдаги жиноятларни қисқа фурсатда фош этилиши ҳамда жамият ва давлат манфаатларига етказилиши мумкин бўлган катта миқдордаги зарарнинг олди олинishi ҳамда бу борада тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона тергов олиб борилиши учун пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Душанов. Р.Х Дастлабки тергов психологияси: Ўқув қўлланма – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012.

2. Гафуров.А (2023). Жиноятларни тергов қилиш услубиёти ҳақида. Ўзбекистан-2030: наука, образование и экономика в развитии, 1(1), 26–30. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/uzbekistan-science-education/article/view/24419>.

3. Маматкулов Т.Б., Астанов И. Ва бошқ. Криминалистика: Дарслик. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015.

4. A.K.Zakurlayev, K.O.Maxmudov. Kriminalistika. Darslik. 2-jild. – Т.: O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018.

5. Жиноят-процессуал ҳуқуқ: Дарслик // юридик фанлар доктори, профессор

М. А. Ражабова таҳрири остида. Тўлдирилган ва қайта ишланган учинчи нашри.– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2018.

6. Энергия ресурсларини талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятлари. Услубий қўлланма. Бош прокурор ўринбосари С.И.Самадов ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2025.

7. Васильев А.Н. Проблемы методики расследования отдельных видов преступлений. - М.: ЛексЭст, 2002.

8. <https://public.sud.uz/report/CRIMINAL>.